

ҚУРЪОН ВА ҲАДИСДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Ботиров Бобирмирзо Миродилжон ўғли
Ориентал университети ўқитувчичи,
тадқиқотчи, Тел: +99890 925-00-93.
Сайфуллаева Омина Юсуфжон кизи
Ориентал университети 4-курс талабаси
Тел: +99890 990-25-55

Миллий қадриятларимиз бевосита Ислом дини қоидалари билан озиқланган. Ислом ҳуқуқида инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш ва муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилган. Дунёдаги ҳар бир инсон ҳаёт ҳаққи, яъни яшаш ҳуқуқига эгадир. Унга бу ҳақ, шариат таълимотига кўра, бошқа ҳуқуқлар каби Аллоҳ томонидан берилган. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Мулк” сурасида:

“(Мутлақ) **ҳукумронлик қўлида бўлган Зот Аллоҳ барокатли** (буюк)**дир. У барча нарсага қодирдир.** (У) **сизларнинг қайси бирингиз чиройлироқ** (савоблироқ) **амал қилувчи эканингизни синаш учун ўлим ва ҳаётни яратган Зотдир. У Азиз** (қудратли) **ва Ғафур** (кечиримли)**дир**[1]**”** – деб марҳамат қилади (Мулк сураси 1-2-оятлар). Демак, Яратган инсонга ҳаёт ҳаққини бериш билан бирга, унга ҳаётдаги мажбуриятни ҳам юклаган.

Инсон ҳуқуқига риоя этиш ҳозирги дунё мамлакатлари маданийлигининг мезони бўлиб бормоқда. Бу соҳада кўплаб давлатларнинг қонунчилиги тенглашаётган муайян халқаро стандарт қарор топди. Кўпчилигида анъанавий ва ярим анъанавий муносабатларнинг каттагина “қатлами” сақланиб қолган мусулмон Шарқи мамлакатларида ушбу стандартларга риоя этишга ҳаракат қилинаётганлиги кузатилмоқда. Шу боис уларда бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда, чунончи, 1981 йил 19 сентябрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Ислом декларациясида ўз ифодасини топган инсон ҳуқуқларини анъанавий талқин этишга ҳаракатлар бўлмоқда[2].

[1] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 562.

[2] Мазкур Инсон ҳуқуқлари ислом декларацияси Ислом Кенгаши Ислом даврининг XV асри бошлаганлиги муносабати билан чоп этган иккинчи асосий ҳужжат. Биринчи ҳужжат 1980 йил 12-15 апрель кунлари Лондонда



Бунинг боиси ушбу мамлакатларда Ислом динининг кенг ёйилганлигидан ташқари, ушбу диннинг давлат, ҳуқуқ, сиёсий-ҳуқуқий онгга катта таъсирини белгиловчи хусусиятида ҳамдир.

Ислом ҳуқуқшунослиги бўйича “шахс мақоми” тушунчасининг ўзи унинг типологик табиати хамда унда Ислом ҳуқуқшунослиги тузилиши ва таълимотининг, манбаларининг тарихий ривожланишидан келиб чиқадиган катта хусусиятларига эгадир.

Асл ҳуқуқий ва умумий нормалардан ташкил топган Ислом ҳуқуқшунослигининг дуализми туфайли Исломда шахснинг ҳуқуқий ҳолати нафақат ҳуқуқ, балки дин орқали ҳам таърифланади. Бунда Ислом диний-ҳуқуқий тизимида Қуръони карим ва Суннатнинг устунлиги инсон ҳуқуқий ҳолатини таърифлашда устун аҳамиятга эгалигига сабаб бўлади.

Исломда инсон ҳуқуқий мақомининг мазмуни Ислом ҳуқуқшунослиги аввало хусусий ҳуқуқ эканлиги фактидан келиб чиққан. Шу боис шахс мақоми ҳуқуқи анъанавий равишда Ислом диний жамоаси (никоҳ, оила, ажралиш, мерос, мулкий, жумладан ерга бўлган мулкий муносабатлар ва ҳ.к.) ичидаги муносабатларни қамраб олади.

Кўп жиҳатдан бу ҳуқуқнинг диний келиб чиқишига боғлиқ, аммо шу билан чекланиб қолмайди. Гап, назаримизда, шундаки, Исломда асосий ўринни инсоннинг Аллоҳ олдидаги абадий бурчи ғояси эгаллайди. Ҳуқуқда бу тамойил ўзининг ифодасини биринчи ўринга мусулмоннинг бурчларини, Аллоҳ олдидаги эҳтиромини қўйишда намоён бўлди.

“Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) **ва бир аёл** (Ҳавво)**дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни** (турли-туман) **халқлар ва қабила** (элат)**лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздидаги** (энг азизу) **мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор Зотдир**[3]**”** (Ҳужурот сураси 13-оят).

Шариат инсоннинг муқаддас ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқини қатъий муҳофаза қилади. Ислом таълимотига кўра, яшаш ҳуқуқи инсонга Аллоҳ томонидан берилгандир. Дунёни сўраб турган подшоҳ энг заиф инсонни ўлдирса, инсониятга, Аллоҳнинг иродасига қарши жиноят қилган бўлади.

бўлиб ўтган ҳамда Муҳаммад Пайғамбар ва унинг фаолиятига бағишланган халқаро конференцияда эълон қилинган Умумжаҳон ислом декларацияси эди.

[3] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 517.



Ислом дини манбаларида келтирилишича, бир инсоннинг ҳаётига тажовуз қилиб, уни ўлдиришга журъат этган одам бутун инсониятни ўлдиргандек бўлади. Чунки, у инсонлик ҳуқуқини поймол этади. Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи шахснинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади ва унинг бу бойликлардан маҳрум этилиши ёки уларга шикаст етказилиши шахс учун фожиадир. Зеро, ҳар бир инсон ёшидан, унинг соғлиғи ёки яшаш қобилятидан қатъий назар унинг ҳаёти жиноят қонуни билан қўриқланади. Шу сабабли чақалоқ, кекса, соғлом ёки касал одамни ҳаётдан маҳрум қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат одам ўлдириш, деб тан олинади.

Ислом динида бировни ўлдириш қанчалик оғир жиноят деб тан олиниши билан бирга ўзини ўзи ўлдириш ҳам шунчалик гуноҳ деб огоҳлантирилган. Аллоҳ таоло “Нисо” сурасида шундай хитоб қилади:

“Ўзингиз ўзингизни ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизга раҳмдилдир. Ким буни душманлик ва зулм йўли ила қилса, албатта, уни дўзахга киргизурмиз. Ва бундоқ қилиш Аллоҳ учун осондир” (29-30-оятлар).

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким ўзини темир асбоб билан ўлдирса, жаҳаннам оташи ичида ҳам ўзини абадул абад ўша темир асбобини қўлида тутиб, ўз қорнига уриб туради. Ким ўзини ўзи тоғдан ташлаб ўлдирса, жаҳаннам оташи ичида ҳам ўзини абадул абад тоғдан ташлаб туради” – деганлар.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадисларда ўз жонига қасд қилишнинг аянчли оқибатлари аниқ баён этилади. Собит ибн Заҳҳокдан ривот қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

“Ким бу дунёда ўзини бирор нарса билан ўлдирса, қиёматда ҳам унга ўша нарса билан азоб берилади” (Имом Бухорий ривояти).

Ислом тарихи ҳақидаги манбаларни кўздан кечирганимизда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзини ўзи ўлдирганга жаноза намозини ҳам ўқимаганларига гувоҳ бўламиз. Аллоҳ берган улуғ инъом – ҳаёт неъматига, буюк инсоний ҳуқуқлардан бўлган ҳаёт ҳаққига ношукур бўлган, уни оёқ ости қилган нобакор шахсга бундан ортиқ жазо бўлмаса керак.

Бундан ташқари, Ислом таълимотида нафақат ўзини ўлдириш, балки, ўзига ўзи ўлим тилаш ҳам маън қилинган. Ўзига ўлим тилаган саҳобийлардан бири Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анҳуга Пайғамбар алайҳиссалом: “Эй



амаки, ўлим тилама, агар сен яхши бўлсанг, ўлиминг орқага сурилиб яхшилигингга яхшилик зиёда бўлгани сен учун яхшидир. Агар ёмон бўлсанг, ўлиминг орқага сурилиб ёмонлигингдан қайтсанг, сен учун яхшидир. Бас, ўлимни тилама" – деганлар". Демак, инсон умри қадрли, унга ҳеч кимнинг тажовуз қилишга ҳаққи йўқ. Бунинг исботини оят ва ҳадис ҳамда замонавий қонунчиликда ҳам кўришимиз мумкин.

Масалан, Моида сураси 32-оятда:

"Бирор жонни ўлдирмаган ва Ерда (бузғунчилик каби) **фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган** (ўлимдан қутқариб қолган) **одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир[4]"**. Инсон ҳаётини ҳимоя қилиш масаласи ҳам мазкур оятнинг инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги катта аҳамиятидан далолат беради.

Исломгача бўлган даврда нафақат Арабистонда, балки кўпгина қўшни мамлакатларда ҳам болаларни ўлдириш кенг тарқалган эди. Мажусий араблар ўзлари истамаган ҳолда туғилган қизларини туғилган заҳоти тириклайин кўмиб ўлдирганлар.

Қуръони карим бундай қотилликни таъқиқлади:

"(Эй инсонлар), **Болаларингизни қашшоқликдан қўрқиб ўлдирмангизлар – уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ўзимиз ризқ берурмиз. Уларни ўлдирмоқ, шубҳасиз, катта хатодир[5]"** (Исро сураси 31-оят).

Исломгача қасос тарқалган эди: агар қабиланинг бир аъзосини бошқа гуруҳдан бўлган одам ўлдирса ёки ярадор қилса, биринчи гуруҳ қасос олиш ҳуқуқига эга бўлган: тишга тиш, ҳаётга ҳаёт.

Қуръони каримда жиноятчини жазолаш жиноятнинг ўзи каби шафқатсиз бўлмаслиги керак, деб ҳисобловчи ёки жиноятчини умуман кечириб юборадиган мусулмонлар улуғланади:

"Биз унда (Тавротда) **уларга жонга-жон, кўзга-кўз, буруна-бурун, қулоққа-қулоқ, тишга-тиш ва жароҳатларга қасос** (олинур) **деб битиб қўйдик. Кимки у** (қасос)ни **садақа қилиб** (кечиб) **юборса, у** (гуноҳларига)

[4] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 113.

[5] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 285.



каффоратдир. Аллоҳ нозил этган (оятлар) **билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир**[6]**”** (Моида сураси 45-оят).

Бунинг устига Қуръони каримда илгари маълум бўлмаган атайин ўлдириш ва тасодифан ўлдиришни фарқлаш жорий этилган. Агар бир диндор бошқасини атайин ўлдирса, у дўзахда жазоланади, агар бу тасодифан юз берган бўлса, у ўлдиргани учун хун тўлаши керак бўлган, қасос эмас, одил судлов ҳамма нарсадан юқори турган.

Қуръони каримда белгиланган диндорларнинг биродарлигидан иборат асосий қоида барча ожиз ва қарам кишиларга, жумладан қулларга раҳм-шафқатни рағбатлантирган. Қуръони карим мусулмонларга Исломни қабул қилган қулларни озод қилиш мажбуриятини юклаб, қулчиликни юмшатди:

“Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)**га ва қўл остингиздаги** (қарамлар)**га ҳам** (яхшилик қилинг)**! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди**[7]**”** (Нисо сураси 36-оят).

Меҳнат қилиш ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш ҳуқуқи аниқ белгилаб қўйилган. Ислом меҳнат қилишга қодир одамлардан Аллоҳ уларга берган ризқни излаб дунёнинг барча чеккаларига тарқалишни талаб қилади. Қуръони каримда шундай дейилган:

“У (Аллоҳ) **сизлар учун ерни хокисор** (бўйсунгувчи) **қилиб қўйган зотдир. Бас, у** (ер)**нинг ҳар томонида** (саёҳат, тижорат ёки деҳқончилик қилиб) **юраверингиз ва** (Аллоҳнинг берган) **ризқидан танаввул қилингиз!** (Қиёмат куни) **тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир**[8]**”** (Мулк сураси, 15-оят).

Ислом инсонларга ўз меҳнатининг маҳсулига эгалик қилиш ҳуқуқини берган. Ушбу асосий қоидани амалга ошириш Ислом жамиятида бойликни тақсимлашнинг бош асосидир.

[6] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 115.
[7] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 84.
[8] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 563.



Аммо ҳар қандай жамиятнинг барча аъзолари ҳам ризқини ўз меҳнати билан топмайди. Ўзларини таъминлай олмайдиган ва уларга ёрдам бера оладиган қариндошлари бўлмаган қувватсиз одамлар ҳам бор. Булар, масалан, етим-есирлар, бева-бечоралар, қариялар, оғир беморлар, майиб-мажруҳлар, ақлсизлардир.

Меҳнат қилишни хоҳлайдиган, аммо ўзларига иш топа олмайдиган ва яшаш учун бошқа маблағлари бўлмаган одамлар бор. Айрим кишилар эса шунчалик кам маблағ топадиларки, бу маблағ уларнинг яшаши учун ҳам етмайди. Жамиятнинг ана шу барча аъзолари умумий бойликдан ўз улушларини олмайдилар. Шу боис Ислом, уларнинг эҳтиёжлари ва ўзларини таъминлай олмасликларини инобатга олиб, улар ўз маблағларини закотдан олишлари кераклигини белгилаб қўйди.

Фақиҳлар камбағалларнинг мулкдор кишилар бойлигидан бир қисмини олиш ҳуқуқини мулкчилик ҳуқуқига киритадилар ва мулк эгасининг ўз мулкини закот тўлашдан аввал тасарруф этишни тақиқлайдилар. Улар закотни барча қарзлардан аввал тўлаш керак деб ҳисоблаб, ушбу ҳуқуққа алоҳида урғу берадилар. Камбағал бойнинг мулкидан оладиган улуш унинг Исломдаги ҳуқуқларга хос барча белгиларга эга бўлган ҳуқуқидир.

Камбағал мискинлар Аллоҳнинг қарамоғида бўлган одамлардир, зеро У шундай деган:

“Ерда ўрмаловчи бирор нарса (жонзот) **йўқки, унинг ризқи** (таъминоти) **Аллоҳнинг зиммасида бўлмаса!** (У) **унинг қароргоҳини ҳам, оромгоҳини ҳам билур. Ҳаммаси аниқ Китоб** (Лавҳул-маҳфуз)**да** (ёзилган)**дир**[9]**”** (Ҳуд сураси 6-оят).

Ислом таълимотига кўра, бойлар – бор-йўғи, Аллоҳнинг ўзигагина тегишли бўлган мулкнинг сақловчиси, холос. Агар Аллоҳ бу мулкни уларнинг қўлига бермаганда эди, унинг зарраси ҳам уларда бўлмас эди. Биз қанчадан-қанча ақлли, маълумотли инсонлар бутун кучини сарфласалар ҳам, ўзларини етарли озиқ-овқат билан таъминлай олмаётганлигининг ва, аксинча, ақлсиз ва тарбиясиз одамларга ҳаёт ҳамма нарса беришининг гувоҳимиз.

[9] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 222.



Шундай экан, ҳақиқий Хўжайин мулк сақловчисига: “Бу хазинадаги нарсаларнинг бир қисмини Менинг қулларим орасидаги муҳтожларга сарфланг”, деганда тўла ҳақлидир[10].

Ислом камбағалларга: “Бойларнинг қўлидаги барча нарсалар сизнинг меҳнатингиз маҳсули ва шу боис сизни буларнинг ҳаммасидан маҳрум қилганларга қарши курашиб, уларни қайтариш ҳуқуқига эгасиз” демайди. Бу нотўғри, чунки барча нарсалар Аллоҳники. Яратган бандаларига мулкни Аллоҳнинг ўзи беради. Бу ерда ҳеч қандай адолатсизлик, меҳнаткашнинг ҳуқуқини поймол этиш йўқ. Аллоҳ ўзи истаган қулига сахийлик қилади.

Қуръони каримда айтилишича,

“Аллоҳ баъзиларингиздан баъзиларингизни ризқда юқори қилиб қўйди[11]” (Наҳл сураси 71-оят).

“У сизларни ернинг халифалар қилиб қўйган ва ато этган (неъмат)**ларида сизларни синаш учун баъзиларингизни баъзиларингиздан** (юқори) **даражаларга кўтарган Зотдир. Албатта, Раббингиз жазода тезкор ва У кечиримли ва раҳимли Зотдир[12]”.** (Анъом сураси 165-оят).

“**Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирон неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни** (ҳасадгўйлик билан) **орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар.** (Ҳасад қилиш ўрнига) **Аллоҳнинг фазлидан сўрангиз. Албатта, Аллоҳ гамма нар сани билувчи[13]”** (Нисо сураси 32-оят).

Ўн тўрт аср илгариёқ шариат мусулмон жамиятининг ўзлари учун муносиб ҳаётни таъминлашга етарли ҳақ ишлаб топмайдиган барча гуруҳларини қамраб олиб, ижтимоий ҳимоянинг жуда кенг талқинини берган унинг амал қилишидаги кенг доирани белгилаб берган. Аммо ушбу доира ҳеч нарсаси йўқ қашшоқлар билан чекланиб қолмаган.

Бу инсон яратган замонавий қонунлар билан ўрнатилган бошқа тизимлардан фарқли равишда ижтимоий ҳимоянинг Исломий тизимига хос кўпгина буюк хусусиятларидан биридир.

---

[10] Қаранг: Ар-Розий. Ат-Тафсир ал-Кабир. – Байрут: Дорулфикр, 1978. – Ж. 4. – Б. 458.

[11] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 274.

[12] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. – Б. 150.

[13] Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири [Матн] / Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – Б. 83.

Илоҳий ва одамлар томонидан яратилган нормаларни ўз ичига олган Ислом ҳуқуқшунослигининг тузилишини инобатга олиб, ушбу муаммони ҳам умумий нормалар даражасида, ҳам ҳуқуқий нормалар даражасида қараб чиқиш лозим. Ушбу муаммони умумий нормалар даражасида таҳлил қилиш айнан шу нормалар Ислом ҳуқуқшунослигида шахс мақомининг дастлабки асосини ташкил этади, деган хулосага олиб келади.